



СССР УЗБЕКИСТНИ

ГАЗЕТА
1918 йил
21 июндан
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 32 (20. 299)

1989 йил 8 февраль, чоршанба

Баҳоси 3 тийин.

• 26 март — СССР халқ депутатлари сайлови кун



584-Чортоқ-территориал сайлов округи бўйича СССР халқ депутатлигига икки нафар номзод кўрсатилди.

Номзодлардан бири — Абдуразақ Шералиев, У Учқўрғон районидagi 41-мактабнинг ўқитувчиси, Абдуразақ ака

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонига эга, Республика халқ навориши аълочиси, Бутуниттифоқ ўқитувчилар съезди делегати, район Советининг депутати. Уни ана шу мактаб коллектив номзод қилиб кўрсатган.

Унинг сайловолди платформаси қуйидагилардан иборат: аҳоли пунктларини ободонлаштириш, соғайка экологиясини яхшилашга ёрдам бериш, ёшларнинг қишлоқда яшаб меҳнат қилишларига шароит яратиш.

Суратда: СССР халқ депутатлиги номзод Абдуразақ Шералиев ўз сайловчиларни орасида.

А. КОВТУН фотоси (ЎзТАГ).

Халқнинг ишончли вакили ЖУРНАТ

атларини қаттиқ туриб ҳимоя қилар эди.

Абдуразақ бундай чиқишлари учун таъин ўтказиб олишмади. Балки у олдин ишчи бўлгани учун ютганлиги? Лекин уни област комсомол комитети қўллади.

Ванга келганда у ҳам комсомол обрўси учун жанг қилди.

«Ун биринчи беш йилликда — икки беш йиллик план!» деган шир ўртага ташланди. Бугун бундай чиқишларни қоралаймиз. Аммо Абдуразақ уни чин маънода қабул қилди. Шанба демади, лқшана демади, завода келиб меҳнат қилди.

Сўзининг устидан чиқди. Қайта қуриш шомоли эганди кимдир унинг «популгени пасайтириб қўймоқчи» бўлди. Текширишди. Қўшиб ёзиш йўқ. Ҳаммаси ҳалол меҳнат самараси.

Абдуразақ Мелиев Ленин комсомол мукофоти лауреати бўлди. Уни комсомол комитети бюроси аъзолигига сайлашди. Ишчи комсомол раҳбарларига мунозара, тортишув, принцип учун кураш нақадар кераклигини исботлади.

Дастлаб унинг қаршиликларини нотаниш кишининг асабига тегади. — дейди Самарқанд област комсомол комитети иккинчи секретари В. С. Тивольди. — Лекин кўп ўтмай унга ҳурматингиз ошди, ўзингиз ҳам унга ўхшагингиз келди. У ҳар бир сўзини қатъият билан айтди ва сизни ишон-

тира олади. Олдин, сиз ва биз илганмаган кичик воқеани, икки-чирлардан йиринк муаммоларга чиқиб боради. Институтда энди ўқилган, сиртдан. 32 ёшда. Лекин қарийб ўн йилликни, катта-кичик анжуманларда муҳим масалаларни ёқлаб келипти. Турғулик йилларида ҳам у кўпчилигини ҳайратда қолдириб. А. Мелиев қайта қуриш майдонига ўша пайтда тушганди.

В.ЛКСМ Марказий Комитети пленуми унинг номзодини ҳам кўрсатди, сайлов комиссияси А. Мелиевни СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

«Уш, унга қандай умид боғлаясанлар?» — сўрайман Владимир Станиславовичдан.

— Темир йўл райони, Самарқанд шаҳри комсомол комитетларининг пленумларида унинг номзоди, бир овоздан маъқулланди. Чунки Абдуразақнинг комсомол жонқури сифатида яхши танишди. У завод партия комитети аъзоси, райком аъзоси, депутат сифатида бошқа жамоат топириқларини ҳам масъулия билан уйдлаб келди. Унинг сайловолди программасида ҳам йиринк масалалар ифода этилган. Биз уни област доирасидаги муаммолар билан боғлиқмоқчи бўлдик. У рад этиди.

«Област Совети депутати ҳал қиладиган масалаларни мамлакат парламентига олиб чиқиш бачаналикидир.

Комсомол депутатлар бир бўлиб улкан вазифалар йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш учун курашмоғимиз керак!» деди у.

— Заводимизда очик партия йиғилишида А. Мелиевни XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига делегат қилиб кўрсатди, — дейди лифтовсозлик заводи комсомол комитети секретари Н. Бакобиров. — Самарқанд вагон депоси коммунистлари ҳам унинг номзодини кўрсатишганди. Бу эса юксак ишончдан далолат. А. Мелиев конференция делегати сифатида ҳам кўпчилигини ҳурматига сазовор бўлди. У ёшлар ҳаётини яхши билади, ақлли, билимдон йигит. Ҳозир 1991 йил ҳисобига ишлайпти.

Кулча юзли, қўлаарида доимо меҳр алангаланиб турадиган бу йигитни областдаги катта-кичик йиғилишларда тез-тез учратаман. Гоҳида Абдуразақ экология муаммолари ҳақида жон қийтса, гоҳ савдо-транспорт, маиший хизмат масалаларини кўндаланг қилиб қўяди. Ёшлар масаласи доимо унинг эътиборида. Қизғин шундай, бирон марта унинг қўлида қороз, олдиндан ёзилган нўтани кўрганим йўқ.

— Абдуразақ ҳар қандай масаласга, ҳар қандай вазиятга доим тайёр туради, — дейди област комсомол комитети биринчи секретари Р. Ф. Эшимов.

Ҳа. Абдуразақда ўшаган йигитлар давлат арбоби сифатида катта майдонга чиқиш қайта қуриш, демократия ва ошқоралик шароитидир. Зеро, келажак мунаварлиги учун ана шундай завардас, ҳалол, пок ниятли ишлар керак!

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Йилда туғилган, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондон.

126-Урганч миллий-территориал сайлов округидан — Боғбек Қеландоров, 1951 йилда туғилган, Хонка районидagi «Провед» колхозни пхатчилик бригадасининг раҳбари; Клара Рамбергяновна Шокирова, 1965 йилда туғилган, Урганч районидagi «Комсомол» колхозининг механизатори.

(ЎзТАГ).

• Хўжалик ҳисоби: тажриба ва муаммолар

ШАРТНОМАНИ КИМ БУЗЯПТИ?

Беш йилликнинг тўртинчи йили бирлашмаиш меҳнат коллективлари учун катта таъминот билан бошланди. Бирлашмага қарашли ёғочни қайта ишлаш заводи 350 кишилик коллективнинг кўнглига қил сиймади. Цехлар, участкалардаги турна қатор ускуналар одатдагидек гузуллаб ҳаракат қилмапти. Ҳаммаёқ жим-жит. Маҳсулот тайёрланмапти. Негаки хом ашё йўқ.

Республикамизнинг йиринк қурилиш бирлашмалари — «Каршистрой» «Дизак-спестрой», «Вухарайрсовхозстрой» ташиқлотларининг ўнлаб объектларида эса биз ишлаб чиқаришимиз лозим бўлган эшик, ром блоклари, полбоп тахта ва бошқа турдаги бинокорлик материалларини сабзизлик билан қўтиляпти.

Йил бошидан оқ шериклар билан тузилган шартномалар барбод бўляпти. Тула хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатишининг дастлабки оидимлари кутулб бўлмади. Ишчи, хизматчиларга нима ҳисобдан маош берамиз? Шартнома бажарилмаганлиги учун нариймалар кимнинг ҳаёбидан туланаркин? Биз ана шундай ва бошқа саволларга жавоб тополмай ҳайронмиз. Бирлашмага қарашли 1-, 2-темир-бетон маҳсулотлари, йиринк панелли уйсоқлик заводларидаги аҳвол ҳам қорикарили эмас. Йиги йилнинг биринчи ойидеъ бу корхоналарнинг меҳнат коллективлари бекор туриб қолишди.

Яхшики, маҳаллий хом ашё ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарадиган Қаршидаги керамзит, Шахрисабз ва Сарисоёдаги қумшагал саралаш заводлари ҳамда «Пром-энерго» ва автотранспорт корхоналари график асосида ишлаб турибди.

«Каршистройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси — республика Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети составидаги Қарши дашти зонасида бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи йиринк корхона бўлиб, унинг иккита темир-бетон маҳсулотлари, йиринк панелли уйсоқлик, керамзит, норуца материаллар, ёғочни қайта ишлаш заводлари, транспорт корхонаси ва бошқа қатор ёрдамчи ташиқлотлари мавжуд.

Шу йилнинг январдан бошлаб бирлашма йиринклиштирилди. Унинг составига Сурхондарё ва Бухоро областларидаги олти корхона киритилди. Ишловчилар сони 6,5 минг кишидан ортди. Йилги бир йилда ўрта ҳисоб билан 45—48 миллион сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, энди бу 60-65 миллион сўмни ташкил этади. Бирлашма корхоналари икки-уч сменда иш юритиб 2000 кубометрдан зиёд темир-бетон конструкциялари, 750—800 кубометр керамзит, 4700—5000 кубометр норуца ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқараётди.

Коллективимиз 1987 йилнинг иккинчи ярми ва 1988 йилда йиги иқтисодий илоҳотнинг дастлабки босқичи — коллектив пудрати афзалликларини ҳаёт синовидан ўтказди. Ишчи ўринлари аттестация, барча касб эгаларини разрядлари қайта тарифчи қилинди. Иш ҳақи тўлашининг йиги системаси жорий этилди. Қатор корхона, цех, участка, бригадалар йиринклиштирилди.

Натижада 300 дан зиёд штат қисқартирилди. Маошлар кўпайди. Пировард йил учун маошавторлик ошди. Ҳар бир касб атаси сўмини, моддий ресурсларни тежаб ишлатиш, қўпроқ фойда олиш учун изланадиган, резервларни қиларишдан бўлди. Шартнома мажбуриятлари қозғоқ бажарилади. 2 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари чакана нархда реализация қилинди, меҳнаткашларга 640 минг сўмлик пулли хизмат кўрсатилди. План топириқлари тўла-тўқис ўрилатилди. Бу бирлашмага ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш, ўз харажатларини ўзи қоплаш имкониятини яратди.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожатномаси коллективимизни резервлари нима солишга ундамоқда. «Бироқ сафарбарлик, ушқоқлик, меҳнат ва технология интизомини янада мустаҳкамлаш йўлида қатор тўғаноқлар пайдо бўлмоқда. Оҳангар, Бекобод, Навоий комбинатлари бирлашмамизни цемент билан таъминлайдиган шериклар қилиб бириктирилган. Январ ойида хом ашёни биронга комбинат график асосида юбормади.

Қарши томонларда қўл қовуштириб, цемент кутаётган минглаб ишчиларнинг тақдири уларни безовта қилмапти. Ҳамон эски услубда фаолият кўрсатиляпти. Шартномани бажариш мақсадида ой ва кварталнинг сўнги кунларида хом ашё юборишляпти. Масалан, Бекобод цемент комбинати 1988 йилда юқлаши зарур бўлган цементнинг 1,5 минг тоннасини декабрнинг 30—31 кунлари юборди. У орадан саккиз-ўн кун ўтгач, январда бизга етиб келди.

Йил давомида бошқа шерикларимиз ҳам шу аллозда «шартномага амал қилган» эдилар. Узилишлар содир бўлиши оқибатида уч корхонада 1500 нафар киши 20 кун бекор туриб қолди. Қарийб 3 минг кубометр темир-бетон конструкциялари

кам ишлаб чиқарилди. Асаблар таранглашди, қўллар ишдан совиди, маошлар қаймаиб кетди. Ўз навбатида биз ҳам қайси-дир шерикларимизга маҳсулотни белгиланган муддатда етказиб бера олмадик. Демак, наердадир уй-жой, болалар боччаси ёки бошқа объектлар ишга тушмади...

Бирлашманинг ёғоч тахтага бўлган эҳтиёжи бир йилда ўрта ҳисоб билан 46—50 минг кубометрни ташкил этади. Буни қондириш республика Моддий-техника таъминоти давлат комитети (Госнаб) зиммасига юқлатилган. Республика Госнаби Москвадан фондларни қабул қилиб олди-ю, Қашқадарё област моддий-техника таъминоти бошқармасига етгилли қисмини тақсимлади. Нарядларни бошқарма Хабаровск, Иркутск, Тюмень, Красноярск ва бошқа жойлардаги ўрмон хўжалиги бошқармаларига етказди. Энди бу ёғча қулоқ солинг:

Ресурсларимиз сиз келтирган нарядлардаги кубометрларни қоплашга етмайди. — дейди Кемерово ўрмон хўжалиги бошқармаси раҳбарлари. — Москва фондларни бизнинг имкониятларимизни ҳисобга олмасдан планлаштирган, 9 минг кубометрдан атиги уч минг кубометрини қабул қилишимиз мумкин.

— Қолган олти минг кубометри нима бўлади?

— Москвага бориб, фондларни планлаштирганлардан сўраг.

Ана шундай «Отанга бор, онангга бор» қабилдаи иш тутиш бошқа ўрмон хўжалиги бошқармалари қоплашга бўляпти. Январ ойи тугади-ю, аммо хали биз ақалли биринчи квартал учун аниқ рақамларни — қанча ёғоч-тахта олишимиз кераклигини билмаймиз. Нарядларни таъминотида бириктириш — яъни план топириқ қилиб муҳрлаш узок ва чалкаш йўллар билан ҳал қилинаётганлиги оқибатида шундай бўляпти.

Таъминотида йўл қўйилган чалкашликлар туфайли корхона йил бошидан бекор турибди. Ўтган йили Хабаровск ўрмон хўжалиги бошқармаси наряд фондларига нисбатан 4 минг кубометр кам ёғоч-тахта юборди. Иркутск бошқармасидан олтинган 6 минг кубометр ёғоч-тахтининг 30 фоизи маҳсулот ишлаб чиқариш учун яроқсиз деб топилиди. Натижада мўлжалдагидан 18 минг квадрат метр кам дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқарилди.

Таъминотини планлаштиришдаги чалкашликлар қандай содир бўляпти? Биринчидан, йиги иқтисодий илоҳот шароитларида иш бошлаган республика Моддий-техника таъминоти давлат комитети ўз зиммасидаги мураккаб таъминот ишлари комплексини оқибатлардаги бошқармалари зиммасига қўйди-ю, бу таъминотдан солиқларга қўтилиб, назаримда. Айни вақтда жойлардаги таъминот аппаратурни ҳодимлари бундай мураккаб формулани ҳал этишга пай эмаслар. Иккинчидан, республика миёсидagi Бинокорлик материаллари саноати министрини тутатилиди-ю, цемент комбинатларининг ваколати Москва итхотидаги топириқлиди. Энди сиз ана шу корхоналар билан содир бўлаётган чигал масалаларни ечиб қўринг-чи! Сира еча олмайсиз. Москва билан ариалашуви зарур. Ҳолбуки, бошқа республикаларда ана шундай министрликлар фаолият кўрсатиб турибди. Бу ҳақда ҳам ўйлаб қўриш керак.

Яна бир муаммо. Бунисини маҳаллий танглик, деб атаса ҳам бўлаверди. Бирлашма ишлаб чиқариш лозим бўлган маҳсулотлар ҳажми, тури қурилиш ташиқлотлари, яъни истеъмолчилар билан шартнома протоколи асосида келишиб муҳрланади. Бу иш анча олдин, йиги йил бошланмасдан амалга оширилиши зарур. Ваҳолонки, йиги йил шаҳдам оидимляпти, унинг дастлабки ойига яқун ясалди, ҳамонки шартномалар имзоланмаган. Қурилиш ташиқлотлари аниқ планга эга эмаслигини ўртага қўйиб, протоколларни имзоланмайлди. Ўз навбатида бирлашма бу йил қайси маҳсулотдан қанча ишлаб чиқарилиши режалай олмапти. Бу ҳақда, анаво «Каршистрой», «Вухарайрсовхозстрой», «Гиссаравхозстрой» қурилиш ташиқлотлари обдон ўйлаб қўрсалар ва муаммони зудлик билан ҳал этсалар айни муддао бўлур эди.

Истеъмолчиларимиз олган маҳсулотларни учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни унутляпти. Биз эса қабул қилиб олган металл, ёғоч-тахта, цемент ва бошқа хом ашё учун қарзга ботиб, шерикларга жарима тўлашга мажбурмиз. Вултур шу сабабларга кўра бирлашманинг ярим миллион сўмлик маблағи совурилди. Муаммоларимизни ҳал этиш учун ким ёрдам қўлини тўзар экан? Республика Давлат план комитетини ёки Госнабми?

Р. УРОҚОВ,
«Каршистройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари.

КООПЕРАТОРЛАР СЪЕЗДИ

7 февраль кун Тошкентда Ўзбекистон матлубот кооперациясининг XVII съезди иш бошланди. Ўзбекбирлашув правленесининг иши ва матлубот кооперациясини янада ривожлантириш вазифалари ҳақида правление раиси А. М. Маҳмудов ҳис-

собоат доклады қилди. Ўзбекбирлашув ревизия комиссиясининг ҳисобот доклады ҳам тингланди.

Съезд қатнашчилари ёпиқ яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекбирлашув кенгаши ва ревизия комиссиясини сайлашлари керак.

«Цетросоюз» правленесини раисининг ўринбосари И. Г. Дахов нутқ сўзлади.

Съезд ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ф. Х. Қодиров қатнашмоқда.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси делегацияси Югославияга келди

БЕЛГРАД. 6 февраль. (ТАСС). Македония Коммунистлар Союзи Марказий Комитетининг тақдифига кўра, бутун бу ерга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов бошчилигидаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг делегацияси визит билан келди.

Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети президиумининг иккинчи секретари С. Стоянович билан учрашув бўлди. Уртоқларча, самийи вазиятда СССР билан ЮСФР ўртасида партиянинг, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни янада

ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси М. С. Горбачевнинг 1988 йил март ойида Югославияга расмий, дўстона визити чоғида имзоланган Совет—Югославия декларацияси бу алоқаларни ривожлантиришнинг яхши негизи эканлиги таъкидланди.

С. Стоянович Совет Иттифоқидан келган меҳмонларга ЮСФР ички сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг долзарб масалаларни, мамиятдаги танг ҳолатларни бартараф этиш ишида Югославия коммунистлари олдига турган вазифалар тўғрисида та-

пириб берди. У Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитетининг қуни-кеча бўлиб ўтган XX пленуми, нуқтаи назарларда пайдо бўлган айрим тафовутларга қарамай, умуман, партиянинг иқтисодий ва сиёсий системалар илоҳотини ўтказишга, Югославия Коммунистлар Союзининг ўзида ўзгарттишлар қилишга қаратилган йўлини тасдиқлади. Р. Н. Нишонов Совет Иттифоқида қайта қуришнинг бориши, СССР халқ депутатлари сайловига тайергарлик тўғрисида сўзлаб берди.

Учрашувда СССРнинг ЮСФРдаги элчиси В. П. Логинов иштирок этди.



Салом, ўғлонлар

ТЕРМИЗ, 6 февраль. Ўз интернационалист бурчларини адо этётган совет жангчиларининг яна бир туркум Ватанга қайтиб келди. Кеча хабар қилингандек, афғон—совет чегарасида бу воқеага бағишланган кўнглик ўтди. Майд ўғлонларининг ота-

оналари, қариндош-уруғлари, ёру биродарлари ва яқинлари зўр ифтихор билан уларни қарши олдилар.

Суратларда: интернационалист жангчиларни кутиб олиш пайти.

ТАСС—ЎзТАГ фотохроникаси.

● МУҲАРРИР МИНБАРИ

ХОВЛИ ТЎЙЛАРИ

УЛАРНИ ТЕЗЛАШТИРИШ
ЎЗИМИЗГА ҲАМ
БОҒЛИҚ

Партия ва ҳукумат халқ фаровонлигини ошириб боришнинг муҳим тadbирларининг кў-

Аҳволи ўнглаб олиш учун
нима қилиш керак! — Бунинг
йўли бор, — дейишди В. И. Ле-
нин номидаги Бекобод метал-
лургия заводидагилар.

Корхонада уй-жой шаронти-
ни яхшилаб олиш учун навбат-
да турганлар сонини кескин
камайтиришга оид муҳим чо-
ралар кўриш керак. Ҳозирча
навбатда турганлар 1500 киши-

ушмиш кучи билан ҳовлигى тўғрисида ташлаётганнинг ёлғиз йўқини! СССР Қора металлургия динистрийги таклимин маъқуллади, корхонага зарур фонд ажратилди.

Ана шун мадад металлургиярин харақата келтириб юрбди. Набевитинг дастлабки қаторларида турганларга уй-жай қурилатган уйлاردан ажратилидиган бўлди. Уй-жай оладиганлар бўш вақтларида — ким ишден кейин, ана ким турб дам олаш кунари б рувачилар сафига қўшилб мехнат қилишди. Бир хонали уйинин бўлачақ эгаси қурилишда 300 сўят. мкин хонали маюстида

Ховлин тўйларини тевизтиришга ҳужайил ҳисоби шартларига мувофиқат қилишга қарамай, 1982 йили 382 квадрат метрлик ташкил қилинган бўлиб, бир йил ўтди 1.849 квадрат метрга, 1987 йили — 5.583, ўтган йилни эса 3.742 квадрат метрга ўтди. Тўрт қаватлик уй-жон, ҳунар-техника билим юрти аҳолининг, беш оилга алоҳида қотмен-қўйлар қуриб берилди.

Ховлин тўйларини тевизтиришга ҳужайил ҳисоби шартларига мувофиқат қилишга қарамай, 1982 йили 382 квадрат метрлик ташкил қилинган бўлиб, бир йил ўтди 1.849 квадрат метрга, 1987 йили — 5.583, ўтган йилни эса 3.742 квадрат метрга ўтди. Тўрт қаватлик уй-жон, ҳунар-техника билим юрти аҳолининг, беш оилга алоҳида қотмен-қўйлар қуриб берилди.

программасида кўзда тутилган жами уйлarning қарийб ярми аҳолининг кредитга олган маблағлари ҳисобдан тикланади. Квартираларнинг 40 проценти корхоналар хўжалик ҳисоби шаронглирида ишлаб топган маблағлар эвазига барпо эти-

ди. Хўжалик ҳисоби имкониятларига таяниб барпо этиладиган уй-жой қурилиши ҳамми йил сайин кўпайиб бораверади.

Жойларда кооператив усули, яқка тартибда уй қуриш кў-

талаб қилинмоқда. Лекин маҳаллий Советлар ижроия қомитетлари, партия ва ҳўкулат органлари биноюрликда юзга келган икратли тажрибалар, ташаббусларни астойдил қўллаб-қувватлашни тегишли даражада зўтибор қилишмапта.

Вазифа — уй-жой қурлишини бутун чоралар билан ривожлантириб боришдан, шу мақсадга хизмат қиладиган барча резервлардан омилкорлик билан фойдаланишдан иборат.

АХБОРОТ

Ўрта Осиё ва Қозғистонда мусулмонлари Диния бошқармаси ҳайъатининг мажлиси бўлди. Унда бошқарма бошлиғи муфтий Шаамуддинхон ибн Зиевуддинхон ибн эшон Вобохоннинг истисфода қилиш ҳақида илтимос қилинган аризаси қўриб чиқилди. Ҳайъат муфтийнинг илтимосини қондириди. Диния бошқармаси раисининг ўринбосари шайх Юсуфхон Шоҳиравнинг маълум қилишича, Ўрта Осиё ва Қозғистонда мусулмонлари бошқармасининг янги бошлиғини ўз сөөдларига сайлайдилар. Сөөд тахминан шу йилнинг баҳорига ўтади. Унга қадар Ўрта Осиё ва Қозғистонда мусулмонлари Диния бошқармаси раиси вазифасини вақтинча бажариб туриш Тошкент ислом институтининг ректори Муҳаммадсодиқ Мамаъасупов зиммасига қонланди.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида

Ўтган йил ўтгаларида Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида халқ контроли комитетлари билан бирга республика савдо ташкилотлари ва корхоналарида озиқ-овқат молларини тақсимлаш ҳамда сотиш тартибига қандай рўй қилинаётганини текширган ва жиддий нуқсонлар содир бўлаётганини аниқлаган эди. Яқинда ўтказилган оммавий текширишда Ўзбекистон ССР Савдо министрига ва «Ўзбекбирлашув» системасида аввалги текшириш натижаларидан тегинли хулоса чиқариб олинмаганлиги, харидорлар молларини яшириб сотиш, улар ҳақидан уриб қилиш ҳамда давом этиб бериш маълум бўлди. Озиқ-овқат молларини тақсимлашда фонд нитиозини бузилишти, шахсий бойлик орттириш учун хизмат вазифинини суниятсиз қилиш давом этипти.

Бундай ахвол, айниқса Сирдарёда озиқ-овқат бўғарида кўпроқ содир бўляпти. Область бўғарида сут савдосига қарашли Гулистон ҳолодильниги давлат савдосига 78 тонна гуштнинг кам етказиб берди. Бахт матлубот жамиятига қарашли давлат таъминоти магазини феврал ойидан август ойигача 900 килограмм гушт, 9,8 тонна қанд, 881 килограмм мол ёғини талон-торж қилган. Худди ана шу вақт ичидан худбу магазин болалар бочкалари ва яслиларида 778 килограмм гуштнинг, касалхоналарида эса 297 килограмм мол ёғини кам етказиб берди.

Самарқандда озиқ-овқат матлубот союзида қарашли улгурчи савдо базаси ҳам иккита матлубот жамиятига 8,6 тонна қандолчатилик маҳсулотларини фонддан ортқица

уриб қолганиниги маълум бўлди. 36 та магазинда эса 30,2 минг сўмлик озиқ-овқат моллари яшириб қўйилган. Андижонда озиқ-овқат моллари яшириб қўйилган 900 та савдо ташкилотлари текширилганда шулардан 518 тасида 66,4 минг сўмлик маҳсулотлар яшириб сотилаётганиниги фойда этилди.

Тошкентда озиқ-овқат матлубот союзи системаси раҳбарлари Миралпов ва Зокировларнинг айби билан озиқ-овқат молларини сотиш ва тақсимлашда жиддий нуқсонлар содир бўляпти. Айрим магазинларда фонддан ташқари кўпроқ гушт маҳсулотлари олиш мақсидида хизмат кўрсатилган кишиларнинг соини атайлаб ошириб қайд этилган ҳужжатлар тайёрланаётди. Тошкент район матлубот союзи жунга дастлабни ишлов бе-

риш фабрикаси қошидаги ошхонага кейинги тўғиз ой ичида 2,5 тонна ўрнига 9 тонна, савабоз ва полицилик илмий тадқиқот институти ошхонасига эса 400 килограмм ўрнига 60 килограмм гушт юборган. Ғалаба район матлубот союзида қарашли 2-умумий озиқ-овқат корхонаси директори В. Югай эса ишчилар ошхонага маҳсулотларни қанд ва бошқа озиқ-овқат моллари тошғури тақсимланганлиги, уларни яшириб қўйиш, харидорлар ҳақидан уриб қилиш одат бўлиб қолганлиги аниқланди. Қуйбўшиқ район озиқ-овқат савдосига қарашли «Москва» гаспрономига театр кўнгилли жамияти аъзоларидан 94 киши, ёзувчилар союздан 350

га, сақлаш муддати ўтган молларнинг сотилишига йўл қўйилмоқда. Умумий озиқ-овқат молларида эса тайёрланган иссиқ озиқ-овқат сифати паст, гушт нормадан кам миқдорда солиштирилган. Бундай нуқсонлар Ўзбекистон ССР Савдо министрига ва «Ўзбекбирлашув» правлениеси раҳбарларининг озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш ишига маъсулиятсизлик билан қараётганликлари, фойда этилган камчиликларини ва ана шу нуқсонларни келтириб чиқараётган сабабларини тугатиш учун ўз вақтида зарур чоралар кўрмаётганликлари натижасида рўй бермоқда.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети текшириш натижаларини муҳокама қилиб «Ўзбекбирлашув» правлениеси раисининг биринчи ўринбосари Г. Волков, Ўзбекистон ССР савдо министри ўринбосари У. Мирпўлатов, А. Усмоновларга савдо ташкилотлари ва корхоналарида жиддий нуқсонлар назорат ўрнатилмаганлиги сабабли рўй бераётганлигини кўрсатиб ўтди ва уларга савдо соҳасида тартиб ўрнатиш вазифасини топширди. Республика Халқ контроли комитети озиқ-овқат моллари савдосида жиддий нуқсонлар рўй беришига сабабчи бўлган маъсул ходимларга, жумладан, «Ўзбекбирлашув» правлениеси бошқарма бошлиқлари Ф. Гиляев, Х. Мажинов, Тошкент шаҳар савдо бозор бажараси бошлигининг ўринбосари Ю. Мироян, Тошкент область матлубот союзи правленисининг раиси У. Мираниповларга турли жазо чоралари қўрди.

МЕХНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

✦ БУХОРО. Ғождувон райомидаги «Кўкча» насликчи совхоз чорвадорлари қишлоқни муваффақиятли ўтказишди. Қорғунчилар ҳар юз соликдан 105 бошдан, жами 31740 та қўзи олишни мўлжалламоқдалар. Ҳозир совхознинг барча фермаларида қўзлатиш маъмулига пухта ҳидирлик кўриломоқда. Бу ишда Ислам Насуллов, Файзи Сайфуллаев, Икром Холмуродов каби чорва жонкуярлари пешқадам.

А. БАҲРОМОВ.

✦ САМАРҚАНД. Хатирчи районидаги Ленин номи колхоз сут-товар фермаси коллектив моллар парварчилиги зътиборни кучайтиришдаги туғилли махсулдорлик юқори бўлмоқда. Моҳир сут соғувчи Замира Очилова ўз божмидаги ўн беш беш говдунининг ҳар бирдан 9-10 килограмдан ет соғиб, касбдошларига намуна бўляпти.

У. ЖУМАЕВ.

✦ АНДИЖОН. Ленинск шаҳрига қарашли «Коммунизм» колхоз аъзоларидан ўн киши 211 беш соғини сиғирни ижарага олди. Ижарачилар бор маҳсулдорлигини ишга солиб, махсулдорлигини ошириш, сут таннанин пайсатиршига эришмоқдалар.

Пешқадам соғувчилардан Дилфуза ва Хайрихон Донкиев ҳамда Асапхан ва Гулчара Раҳимовлар мўл ва серҳақим сут соғиб олишда илгирлик қилишяпти.

Р. ТОШКАНОВ.

Ижара самараси

Э Г А С И
ТОПИЛДИ

Жомбой районидаги «Октябрь» колхоз асосан пахтачиликка ихтисослашган. Чорвачилик эса кўп йиллар давомида эътибордан четда қолиб келди. Йиллар мобайнида фермадан самара олишни илоини бўлмади. Ташкилотчилик борадидан ўзибуларчиликлар бунга имкон бермасди. Натижада чорвачиликдан катта зарар кўрилди. Тўғриси айтганда, бу соҳада ҳақиқий хўжайин йўқ эди.

Хўш, бундай ноқуш аҳволни тузатиш учун намо қилиш керак? Ахир чорвадорлар астойдил меҳнат қилсалар ҳам махсулдорлик ошмапти-ку? Иш ҳақи ҳам анча паст. Сут соғувчиларнинг меҳнат ҳақи 120 сўмдан, молбоқарларники 120—140 сўмдан кўтарилмапти. Бу кўпчилигини ташвишга со-

Бундай ҳол коммунист Тақсим Мусоевни ҳам безовта қилди. У кўп йил фермада ҳалол меҳнат қилди. Коллективда обур-эътибори баланд. Доимо юқори кўрсаткичга эришиб келмоқда.

— Мен турк миллатига мансубман, — дейди Т. Мусоев. — Кўп йиллардан бери шу колхозда ишлаб меҳнат қилишман. Турли миллат фарандларини билан аҳлиноқ айланиб, Эндиликда сиғирлардан сут соғиб олиш учун ва гушт тайёрлаш учун кўпайтиришимиз керак. Мамлакатимизда меҳнатни ташкил этишни илгор усули — ижара пудрати кенг оммилашмоқда. Бора-бора биз ҳам бу усулдан хабар топдик. Тажрибамиз эса мутлақо йўқ эди. Ўтган йилнинг май ойида ижара пудратининг чорвачиликда жорий этилаётганини тўғрисида матбуотда босилган материалларни ўқиб чуккур ўргандим. Кейин биз ҳам ижарага ўтаскишимиз юришармикан, деб ўйладим.

Тақсим Мусоев ўшанда сут соғувчилар, молбоқарлар ва зоотехниклар билан маслаҳатлашди. Колхозда чорвадорларнинг ижарачи бригадасини ташкил этишга қарор қилинди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу ташуубусини маъқуллади. Фермага қарашли барча нарсалар бу ерда ишлайётган коллективга топширилди. 68 чорвадордан иборат ижарачи бригада тузилиб, уларга колхозга қарашли 1550 бош, яъни 650 минг сўмликдан ортқи қорамол топширилди. Шарнома бўйича озунча экинлари еттиштириш учун 842 гектар майдон, 939 минг сўмлик ферма бинолари, қишлоқ хўжалик техникаси ва турли асбоб-ускуналар ҳам берилди.

Правление бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, янгилишмади. Ўз ишининг усталари, уч-тўрттадан турдош касбларини пухта ағаллаган ижарачилар астойдил ҳаракатга тушдилар. Ҳар бир киши ортқида шов-шувси, юқориди.

Йўлдошева билан Фотимахон Ибодова лимон териммоқда.

У. ҚУШВОҚОВ ФОТОСИ.



Сирдарёда озиқ-овқат бўғарида кўпроқ содир бўляпти. Область бўғарида сут савдосига қарашли Гулистон ҳолодильниги давлат савдосига 78 тонна гуштнинг кам етказиб берди.

эл дастурхонига пландаги икки тонна ўрнига ўн тонна ишлов берганди. Коллектив аъзолари бу йил ҳам

астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ойнавад дадада ҳосил мўл. Суратда: илгор ишчилар, колхоз аъзолари Софийхон

Фаргона районидаги Ленин номи колхозда гузапония майдончи қурилиш ўрнатилди. Бу ерда областнинг барча хўжаликчилардан гузапония олиб келинар, гаройиб қурилиш бозор гузапонияларини бир томондан ютиб, иккинчи томондан майдонда чиқарарди. Майдондан масса майдонга гузапонияларини бир томондан чиқарарди. Майдондан масса майдонга гузапонияларини бир томондан чиқарарди. Майдондан масса майдонга гузапонияларини бир томондан чиқарарди.

аммо этибди. Ҳозирги пайтда республикамиз территориясидаги гидролиз заводлари юз минглаб тонна шелухани хом ашё сифатида ишлаб чиқариб юрляпти. Пахта чигити пўстлоғи — шелуха эса чорвачилик учун бениз зарур озуна. Унинг таркибиде чорва молларини саништириш, махсулдорлигини оширишда зарур бўлган углевод, ёғлар кўп. Демак, гидролиз заводлари қимматли

ташаббусни охирига етказиш юзасидан тадбирлар белгилашди. Ўтган йили тўпланган 150 тонна гузапония қайта ишланб, ундан юз тонна майдондан масса олинди ва Фаргона ферма бирикмаси химия заводига етказиб берилди. Батди бир ускуналарга янгилик кириштириш, мосламаларни қайта қуриш эвазига майдондан гузапониядан 5,5 тонна махсулот ҳам олинди. Бу махсу-

мия заводининг директори Л. Пшонин. Бир тонна шелухани қайта ишлаш учун эса завод айтиш икки сўм сарфлайди.

Албатта, бундай шароитда СССР Медицина-биология саноати министрига қарашли бу завод мутасаддилари шелухани маъқул қилишда, Хуллас, бу ерда тур маҳкамачилик манфаатлари умумдавл манфаатларидан устун келиб қолди.

ҳам белгиланди. Афсуски, бу озуна чорвадорларга етказиб берилмапти. Гидролиз саноати комбинатимизда ишлаб чиқилган деярли барча шелухани олиб қўйилди. Шелуха ўрнига гузапониядан фойдаланиш технологиясини қисқа муддатларда ишлаб чиқаришга татбиқ этиш зарур.

Ҳисоб-китобларга қараганда, биргина Фаргона областининг ўшанда гидролиз

Афсуски, бу муҳим ишни амалга ошириш лозим бўлган СССР Медицина-биология саноати министрига ҳам, Ўзбекистон ССР Давлат агроасаноат комитетида ҳам ана шундай жонкуярлик етиштиришга ҳужайиди. Ўзбекистон ССР Давлат агроасаноат комитетида ҳам Ленин номи колхозда ўрнатилган гузапония майдончи қурилиши учун «Технология» ишлаб чиқариш бирлашмасига тегинли ҳақини тўлашдан ҳам беш тўрттапти. Иттифок министрига эса гузапония рўқлаш, тайёрлаш, қайта ишлаш учун катта миқдорда қўшимча маблағлар сарфлаш заруратидан чўчи бўлса керак, бу ишга дидил киришмапти.

Оловидин ақанинг колхозда ишлаб турган гаройиб қурилмини бориб кўрган одамлар «бу нима» деб сўрашганда ҳозиржавоблардан бери:

— Бу Оловидиннинг сеҳри чироғи. Агар ана шу чироқ ёнлса гушт билан сут мўл бўлади, — дедан экан. Бу ҳазил гандя жон бок. Хоман ҳисоб-китобларга қараганда, биргина Фаргона бирикмасиде шелуха эвазига гузапония қимматлиги турганига эллиг минг тоналгача ошириш мумкин экан. Бироқ тур маҳкамачилик манфаатлари бир-бирига эид келиб қолган шароитда сеҳрли чироқ ҳеч қачон ёнмаслиги таъмин. Қайта қуриш даври эса ўз идораси ва корхонаси доирасидаги фикр юртишини эмас, натижа кўламларда мулоҳаза қилишни тақозо этмоқда. Ҳар бир иш энг аввало умумхалқ, умумдавл манфаатларини қўллаб бажариш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу муаммонинг тез, ижобий ҳал этилиши мамлакат Озиқ-овқат программасини бажаришда муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз.

А. ИБОДИНОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Кооператив: изланиш ва натижа

«НЕКТАР»
ХИЗМАТГА ТАЙЁР

«Нектар» кооперативини раиси Р. Ҳикматуллин билан Жиззах шаҳрида кооперативлар союзи ташкил этилган куни учрашдик.

Кооперативлар союзининг барпо этилиши умум ишмиизга ҳар томонлама қўл келади, — деди Рашид Набиевич. — Бутун 20 та кооператив раҳбарлари шу ҳафта батафсил суҳбатлашиб олдик. Бухгалтерлик ҳисоби, юридик хизмат ва ҳатто реклама хизмати марказлашадиган бўлди. Бу эса идора ходимлари сонини камайтириб, бевосита ишлаб чиқаришда қатнашадиган аъзолар сонини ошириш имконини беради. Яқин келаянда кооперативлар союзининг алоҳида банкни ташкил этиш мўлжалланяпти.

Ҳозир «Нектар»да 450 киши меҳнат қилмоқда. Эа феолиятини давлатдан 400 минг сўм қарз олишдан бошлаган кооператив 1988 йилнинг февралдан бунг 3 миллион 200 минг сўмлик иш бажарди. Иш салмоғида капитал қурилиши, давлат корхоналари турар жой ремонтини муҳим ўрин тутди.

«Нектар» кооперативини ташкил этилгандан оқ хизмат кўлимининг кенглиги билан кўпчилигининг диққат-эътиборини тортиди. Дастлаб Жиззах шаҳридаги Навой номи колхозда 299 минг сўмлик иш бажарилди. Хўжалик учун чорвачилик комплекс барпо этилди. Бу даврда кооперативнинг бошқа участкаси озиқ-овқат қўлини касалликлари шифохонаси ремонтини билан шуғулланди. Шаҳар турғуқонаси, болалар шифохонасини ҳам тезда қайта ремонтдан чиқаришда 75 минг сўмлик иш қилинди. Кооперативнинг йўлсозлари эса Инжилоб қўчасини капитал ремонт қилиб, шаҳарликларнинг қўлидан бун бажарилмасдан қолётган талабларини ўринлатдилар.

«Нектар»нинг ҳозиржавоблиги, ишнинг сифатли экани туғайли буюртмалар қўла бошлади. Қиш қилинлаш билан курувчиларнинг бир қисми иситиш тармоқлари, қанализацияларнинг ремонт қилишга ихтисослашди. Натижада кооперативга эътибор янада ошди.

Шу нарса диққатга сазоворки, кооператив фаолиятини нуктадиди ахтиёшлар, заруратларга қараб хилма хил тарзда уюштиришга ҳаракат қилинмоқда. Коллектив аъзолари давлат корхонала-

ри, идоралари атрофларини, шаҳар ва посёлкаларни ободлаштириш бўйича ҳам аниқгина иш бажардилар.

Маълумки, асалари уялари вақти-вақти билан у ерда бу ерга кўчириб турилиши зарур. Бу ҳол асаларчиларга кўп қийинчиликлар туғдиради. «Нектар» кооператив аъзолари асаларчиликда ўз бригадаларини ташкил этиш билан бирга бу тармоқдаги оилавий звеноларга, бригадаларга, транспорт хизмати кўрсатишни йўлга қўйдилар. Натижада ўзлари ўтган муддатда 77 минг сўмлик асал ишлаб қилишди. Аҳолидан бир миллион сўмлик асал йиниб олинди.

— Бу йил шаҳарда 9 ва 5 қаватли турар жой барпо этишга киришилди, — дейди Р. Ҳикматуллин. — Биз кўрган уйлар ўзига хос безаклари билан ажралиб туриши керак. Шу мақсадда бадий буюмлар фабрикасининг бир қисмини ижарага олдик.

«Нектар»нинг аъзолари дастлабни қўйилли фойдаланиш кооперативнинг молиявий аҳолини мустаҳкамлашга сарф этишмоқчи. Бу жамғармадан айнан хизмат кўлимини кенгайтириш, иш сифатини яхшилаш мақсидида фойдаланилаётди.

Кооперативнинг ҳам ўз илгорлари бор. Ринат Мусоев бошлиқ участка ишчилари, айниқса, самарали меҳнат қилмоқдалар. Иш сифатини таъминлай олмаган, буюртмаларини вақтида бажармаган бир нечта бригадалар билан хайрлашадиган тўғри келди. Кооператив аъзоларининг мошларини ҳам ўз ишларига яраша. Пешқадамлар ҳар ойда 500-550 сўмдан ҳақ олишмоқда.

Ташкил этилганга бир йил бўлган «Нектар» кооператив аъзолари болаларга ҳамхўрлик қилишга ҳам улгурдилар. Янги очилган болалар шифохонасига 500 сўм моддий ёрдам қўрсатилди, шифохонани безатишда тенгитга 3 минг сўмлик иш бажарилди. Жиззах шаҳри кооперативлари эзилма муносабати билан Арманистонга кўрсатилган 2 минг сўмлик ёрдамнинг 9900 сўми «Нектар»га қарашлидир.

Кооператив ишнинг таъмин этишда «Нектар» ташкилотчиларидан ўрнат олса арзийди.

В. САТТОРОВ.

АГРОСНОАТ ХАВАРЛАРИ

✦ СИРДАРЁ областининг «Тошкент совхоз пахтакорлар» ерлар шўрини энг яхши агротехника муддатлариде ювиб бўлилар. Ўтган йиллардагидаги фарқин ўлароқ, технологияга риоя қилишга, хусусан ҳар бир кертанинг ювиш навабига қатъ эътибор берилди. Шўрланмиш дармаксига қараб, сут сарфи нормаси ҳам белгиланди. Бунда ишлаш устидан ҳақ нозорат ўтказиш талаб қилинмади. Чунки пудратчи коллективлар учун йўл учнда ишлаш бейфойда.

✦ ЖИЗЗАХ районидаги Навой номи колхозининг Т. Раҳмоновлар бошлиқ бригадаси ҳақидан пахта майдонлардан беш гектарига қартошчи эмишга қарор қилдилар. Шунинг диққатга сазоворки, пахта майдонини ортқица келтирувчи ва кўрсатилмаси қисқартирилди. Бригада ҳосилдорлигини ошириш эвазига ҳам майдондан илгарида ҳисобдорлик охири еттиштириш натижада. Еттиштирилган қартошчан эса колхозчиларнинг ўзлари олишди, ортқица савдога чиқарилди. Ташаббусини хўжаликдаги қолган 16 та бригада ҳам маъқуллади. [ЎТАГ].

ОЛОВИДИННИНГ СЕҲРИ ЧИРОҒИ

ГУЗАПОЯДАН ХОМ АШЕ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

чорва озуқаси — шелухани эмас, балки гузапонияни хом ашё сифатида қилинган маъқул. Шундай қилинганда республика хўжаликчилари сут-товар фермалари ва бурдоқчилик комплексларига қанда 200 минг тоналдан ортқи шелухани етказиб бериш имкони тугилди. Бу эса аҳолини мўл-қўл озиқ-овқат маҳсулотлари, гушт, сут билан таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнаши турган гап.

Хуллас, Фаргона шаҳридаги фуран бирикмаслари химия заводи базасида бирикма шелуха ўрнига гузапония ишлатиш юзасидан тажрибачилар бошланди. «Главмашпопковост в о» н и н г «Технология» илмий ишлаб чиқариш бирикмасида гузапония майдончи фойдаланишнинг технологиясини ишлаб чиқилди. Ўтган йил баҳориде Фаргона районидаги Ленин номи колхозда гузапония майдончи қурилиши ишга тушрилди. Область раҳбарлари ва мутахасссларнинг кенгашида тажрибачиларини давом эттириш ва бу хайрли

лот Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон ССР ветеринария илмий-тадқиқот институтига комплекс саноидан ўтказиш учун йўналтирилди. Афсуски, шу босқичда иш ўзидан тўхтаб қолди.

Чорвачилик учун тўғилли озуна бўлган шелухадан саноат хом ашёси сифатида фойдаланишга барҳам бериш керак, — дейди область уруш ва меҳнат ветеранлари Советининг раиси Б. Каримов. — Қишлоқ хонадонларида мол-қўй боқилишини қиёинлашиб кетгани ҳаммаимизга маъқул. Майдонларимизга асосан пахта экилади. Ўтлоқ ва яйловлар йўқ ҳисоби. Бозорда бир кило гуштнинг нархи фалон пул... Серфарзанд ўзбек оилаларида етарли даражада гушт истеъмол қилинмаётганлигини боиси мана шунда. Шу шароитда республика гидролиз саноатининг йилгига 250 минг тонна пахта шелухасини «еб юбориш» мақсидга мувофиқ эмас, деб ўйлайман.

— Ўйр тонна гузапония қайта ишлаш заводида 39 сўмга тушади, — дейди Фаргона фуран бирикмаслари х-

Колхозимиз территориясида гузапония майдончи қурилиш ўрнатилган жуда хурсанд бўлган эдик, — дейди Ленин номи колхоз раиси Оловидин Сатторов, — чунки колхозчиларимиз шелуханин қадрини билишди. Ўтган йили мана шу тажрибанинг яхши ўттиш учун астойдил ҳаракат қилдик. Колхоз аъзоларининг кучи билан 150 тонна гузапония майдончи қайта ишлаб, заводга бердик. Қурилиш яхши ишляпти. Бироқ у ҳали тақомиллаштиришга муҳтож.

Шелуха ўрнига гузапония ишлатиш тарафдорларидан ана бири Қўноқ ёр-мой комбинатининг директори Ю. Екубовдир.

— Ленинград шаҳридаги «Масложирпром» илмий-ишлаб чиқариш бирикмаси билан ҳамкорликда шелуха ва комбинатлариде бошқа чигичиларини бириштириш асосида янги чорва озуқаси яратдик, — дейди у. — Мутахассслар бу озуқанинг таъғилли эканигини таъминлади. Унинг ҳар бир тоннасида 40—60 сўмдан нарх

саноатига йилгига беш юз минг тоналдан ортқи гузапония етказиб берилиши мумкин. Республика далаларида эса ҳар йили беш миллион тоналга яқин гузапония ишлатилиб қолади. Унинг арзишмас бу қисмдангина ёнлила мақсадда фойдаланиш ҳолос. Фаргона фуран бирикмаслари химия заводида шелухадан қиммат баҳо фуффулор ишлаб чиқарилади. У турли-туман пластик массалар, смолалар, лақлар, клеяр олишда нефть молярини тозалашда қимматбаҳо хом ашёдир. Аммо у қанчалик қимматбаҳо бўлмасин халқ фаровонлигини ошириш, уни нознеъматлар билан тўла-тўқис таъминлаш энг биринчи галдаги вазифамиз эмасми? Бунинг устига областда тайёрланган гузапония эвазига хилма саноати ҳар йили қўшимча 22—27 минг тонна фуффулор олиш мумкинлигини мутахассслар исботлаб беришди.

Демак, гап фақат талабни тўғри тушуниш, омилдорлик ва чинакам жонкуярлик кўрсатишдагина қолди, ҳолос.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12